



246

Мбу.г. «5» апрел

№ 796-К

**“МЕБЕЛ-STANDART” масъулияти чекланган жамиятига музлатгич
омборхонаси ва мебел ишлаб чиқариш цехлари куриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат
экологик экспертизасининг 2015 йил 15 декабрдаги 2058-сонли хулосаси ҳамда
“МЕБЕЛ-STANDART” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига
ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг
13-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда шунинг гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. МЧ “Гулистон-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 19-контурдан “МЕБЕЛ-STANDART” масъулияти чекланган жамиятига музлатгич омборхонаси ва мебел ишлаб чиқариш цехлари куриш учун жами 0,60 га (шундан: 0,60 га туман захира ерлари ҳисобидаги ижтимоий бино ва ховли ерлари ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
4. Музлатгич омборхонаси ва мебел ишлаб чиқариш цехлари бино-иншоотларини куришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси “МЕБЕЛ-STANDART” масъулияти чекланган жамияти директори Ф.Д.Ҳабибовга топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров